

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАВЛАНОВ ЭЛБЕК ТУЛКИНОВИЧ**

**ИССИҚЛИК АЛМАШИНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИНТЕНСИВЛАШ  
ВА ЮҚОРИ ҚУВВАТЛИ КОЛОННАЛИ ҚУРИЛМАЛАРНИ ЯРАТИШ**

**02.00.16 - Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш  
жараёнлари ва аппаратлари  
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мавланов Элбек Тулкинович**

Иссиқлик алмашиниш жараёнларини интенсивлаш ва юқори қувватли колоннаги курилмаларни яратиш .....3

**Мавланов Элбек Тулкинович**

Интенсификация теплообменных процессов и разработка колонных аппаратов повышенной мощности .....21

**Mavlanov Elbek Tulkinovich**

Intensification of heat transfer processes and development of high – capacity column apparatus .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАВЛАНОВ ЭЛБЕК ТУЛКИНОВИЧ**

**ИССИҚЛИК АЛМАШИНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИНТЕНСИВЛАШ  
ВА ЮҚОРИ ҚУВВАТЛИ КОЛОННАЛИ ҚУРИЛМАЛАРНИ ЯРАТИШ**

**02.00.16 - Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш  
жараёнлари ва аппаратлари  
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.3.PhD/Т339 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифада ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Нурмухамедов Хабибулла Сагдуллаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Мухитдинов Джалолиддин Пахриддинович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Худойбердиева Назора Шарофовна**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:** **«Аммофос-Максам» АЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг йиғилишининг «\_\_\_»\_\_\_2020 йил соат\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@edu.uz](mailto:tstu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_»\_\_\_куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_»\_\_\_даги \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Н.Р.Юсупбеков**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси  
т.ф.д., профессор, академик

**У.Ф.Мамиров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Х.З.Игамбердиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси  
т.ф.д., профессор, академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда замонавий кимё ва нефт-кимё саноатини такомиллаштириш ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари учун жаҳон талабларига мос рақобатбардош, импорт ўрнинини босадиган технологиялар кимёвий қурилмалар ва жиҳозларнинг такомиллашган самарали конструкцияларини яратиш чуқур фундаментал тадқиқотларни олиб бориш ҳамда шу йўналишда илмий техник масалаларни ҳал этиш амалга оширилмоқда. Юқори самарали уюрмали контакт қурилмалари ва уларга асосланган қурилмаларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада, иссиқлик алмашиниш жараёнларининг энергетик ва иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда замонавий кимё машинасозлиги ривожланишининг фундаментал ва амалий асосларидан бири бўлган иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнларини жадаллаштириш ва такомиллаштириш йўналишида тадқиқотларни олиб бориш соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кимёвий технология жараёнини такомиллаштириш мақсадида паст температурани ҳосил қилиш учун самарали иссиқлик алмашиниш қурилмаларни кимё саноатида қўллаш илмий амалий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада, жумладан иссиқлик алмашиниш жараёнларини жадаллаштириш ва такомиллаштириш, шунингдек қурилманинг конструкциясини ихчамлаштиришда энергия ва ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш тақозо этмоқда.

Республикамизда иссиқлик ва энергия самарадорлиги, ихчамлик, ишончлилик ва бошқа параметрларни яхшилайдиган янги қурилмаларни яратиш ҳамда самарали иссиқлик алмашиниш юзаларидан мақсадли фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётни барқарорлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни бажаришда, жумладан иссиқлик алмашиниш жараёнларини интенсивлаш ва юқори қувватли колоннали қурилмаларни яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПФ-3668-сонли «Инновацион ғоялар, технологияларни амалий татбиқ этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонларида, 2019 йил 3

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон олимлари томонидан иссиқлик тарқалишни жадаллаштириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Иссиқлик алмашилиш жараёнлари учун технология ва қурилмалар конструкцияси самарадорлигини ошириш ва ихчам, самарали иссиқлик алмашилиш қурилмаларини яратиш бўйича кўплаб хорижлик олимлар, жумладан А.Н.Плановский, Н.М.Жаворонков, Г.П.Соломаха, В.М.Рамм, С.С. Кутателадзе, В.К.Кошкин, Б.С. Петухов, А.А.Гухман, Э.К.Калинин, Кикнадзе, Г.А.Дрейцер, Б.В.Дзюбенко, С.А.Ярко, В.В.Костюк, В.К. Мигай ва бошқалар ҳамда мамлакатимиз олимлари, жумладан Ж.П.Мухитдинов, Н.Р.Юсупбеков, Р.А.Зоҳидов, С.Г.Зокиров, Ш.М.Ғуломов ва бошқалар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган.

Бугунги кунда иссиқлик алмашилиш қурилмаларида иссиқлик ўтказишнинг назарий асосларига, иссиқлик алмашилишни жадаллаштиришга, шунингдек, ихчам ва энергия тежайдиган жиҳоз ва қурилмаларни яратиш бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Абсорбция, иссиқлик алмашилиш жараён ва қурилмаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари: абсорбция ва иссиқлик ўтказиш жараёнларининг жадаллиги; девор зонасида турли хил оқим турбулизаторларини қўллаш ёки ўрнатиш; кам энергия сарфлайдиган суюқлик оқимининг шаклини аниқлаш; трубалараро оқимни аралаштиришни ва трубалар пакети атрофида оқини яхшилаш бўйича фаол изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ, абсорбцион колонналарининг совитиш зоналарида реакция иссиқлигини самарали ажратиб олиш, шунингдек қўшимча материал харажатларисиз тайёр маҳсулот чиқишини оширишга қаратилган ишлар кам ўрганилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг ИОТ 2016-7-26 - «Кимё ва нефт-газни ишлаб чиқариш учун янги авлод юқори самарали колонна қурилмаларини яратиш» (2016-2017) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** абсорберларнинг совитиш зонасида иссиқлик алмашилиш жараёнини жадаллаштириш ва колонна қурилмаларнинг иссиқлик қувватини оширишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

суюқликларни спиралсимон турбулизаторли трубаларда ҳаракатида гидравлик қаршилик ва иссиқлик алмашилишнинг суюқлик оқиш режимига, ҳамда ариқча, бўртиқлар геометрик ўлчамларига боғлиқлигини ўрганиш бўйича тажрибалар ўтказиш;

спирал ариқчалар ва самарадор трубаларни жойлаштириш схемасининг гидравлик қаршиликка, иссиқлик беришга таъсири бўйича тажрибалар ўтказиш;

Windows XP операцион муҳитида замонавий MATLAB 6.5, STATISTIKA 6.0, Microsoft Excel компьютер дастурлари ёрдамида тажриба маълумотларини қайта ишлаш;

гидравлик қаршилик ва иссиқлик алмашилиш бўйича тажриба катталикларни умумлаштиришни, критериал формулаларни ишлаб чиқиш;

абсорберларнинг совитиш зоналарида реакция иссиқлигини труба-панжарали насадкалар билан ажратишда иссиқлик алмашилишни жадаллаштириш;

иссиқлик алмашилиш юзасида макрогадир-будурликни жойлаштиришнинг оптимал қадамларини аниқлаш;

ўзгармас иссиқлик юкламада иссиқлик алмашилиш юзасини камайишга эришиш;

иссиқлик алмашилиш мосламасининг ихчамлигини ошириш ва колонна қурилмага металл сарфини камайитиришга эришиш.

**Тадқиқотнинг объекти** самарадор юзали трубалардан иборат труба-панжарали насадка ва абсорберларни совитиш зоналарида реакция иссиқлигини ажратиб олиш жараёнидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** иссиқлик ўтказиш жараёнини жадаллаштиришни ўрганиш ва юқори иссиқлик қувватли труба-панжарали насадкани яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда объект ва унинг элементларини тизимли таҳлил қилиш усуллари, кимёвий-технология жараёнларини тадқиқ қилиш ва оптималлаш, тажрибаларни режалаштириш, тажриба маълумотларни қайта ишлашнинг статистик усуллари, аниқ ўлчаш усуллари ва замонавий назорат-ўлчов асбобларидан ҳамда тадқиқотнинг тажрибавий усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

спиралсимон турбулизаторларнинг гидравлик қаршилиги дискрет жойлашган бўртиқларникидан камроқ эканлиги аниқланган;

спиралсимон турбулизаторларнинг қўлланилиши оқишнинг ўтиш режимида деворолди чегаравий қатламни турбулизация қилиш иссиқлик беришни 2,2-2,9 маротабага жадаллаштириши, иссиқлик алмашилишнинг жадаллаштириши бўртиқларнинг геометрик параметрларига боғлиқлиги аниқланган;

иссиқлик бериш коэффициентининг максимал қийматлари мақбул диапазони турбулизаторларнинг  $S/D=1,14-1,4$  қадамига мос келиши аниқланган;

бир фазали суюқликларни канал ичида ва газ-суюқлик оқимини труба оралиғида ҳаракатининг тажриба катталиклари умумлаштирилиб, гидравлик қаршилик ва иссиқлик бериш коэффициентларини ҳисоблаш формулалари ишлаб чиқилган;

тадқиқ қилинган турбулизаторли трубалар ва абсорбер совитиш зонаси труба-панжарали насадкасининг текис ҳамда кўндаланг кесими турлича бўлган трубаларни жойлаштириш схемаси иссиқлик ўтказиш коэффициентини 2 ёки ундан ортиқ мартабага ошириши аниқланган;

суюқ ва газ фазаларни трубалараро бўшлиқда қарама-қарши, совутувчи суюқликни эса газ-суюқлик оқимига перпендикуляр йўналишда ҳаракати учун иссиқлик алмашинишни жадаллаштириш модели яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

иссиқлик элткич йўналиши бўйича гидравлик қаршилиги нисбатан кичик бўлган спиралсимон турбулизаторли ва кўндаланг кесими камайиб борувчи трубаларни текис трубалар билан кетма-кет жойлаштириш схемаси газ ва суюқлик фазалар аралашини тубдан яхшиловчи ва иссиқлик алмашиниш жараёнини интенсивловчи схема ишлаб чиқилган;

ўзгармас иссиқлик юкмасида иссиқлик тарқалишини жадаллаштириш натижасида иссиқлик алмашиниш юзасини 20-46% га камайтирувчи оптимал соҳаси ишлаб чиқилган;

ташқи иссиқлик алмашиниш юзасидаги силлиқ спиралсимон ариқчалар газ-суюқлик қатламини труба девори яқинида турбулизация қилиб, труба юзасида чўкинди ўтирмаслик йўллари ишлаб чиқилган;

олинган натижалар совитиш зонаси текис труба ва камайиб борувчи кўндаланг кесимли спиралсимон турбулизаторли трубалардан иборат абсорберларни ҳисоблаш учун муҳандислик методикаси ишлаб чиқилган;

абсорбер совитиш зонасидаги трубалар пакетини йиғиш технологиясини ўзгартирмайдиган самарадор трубаларни жойлаштиришнинг схемаси ишлаб чиқилган;

бир хил унумдорликда спиралсимон турбулизаторли труба-панжарали насадка учун металл сарфини ~2 мартабагача камайишини таъминловчи ва текис трубали абсорберга нисбатан 1,7-2,5 баробар кам иссиқлик алмашиниш юзаси билан ишлайдиган юқори қувватли абсорбцион колонна ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги услубий жиҳатдан асосланган назарий ҳисоб-китобларни амалга оширилиши, термодинамиканинг асосий қонунлари, гидродинамика, иссиқлик ва масса алмашиниш назариясининг классик принциплари, жараёнларнинг адекват физик моделлари ва ҳисоблаш алгоритмларини мавжудлиги, тажриба тадқиқотининг умумий қабул

қилинган усулларини тўғри қўллаш билан асосланади, шунингдек назарий ва тажриба натижаларнинг ўзаро мослиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти труба-панжарали насадка трубаларининг ички ва ташқи юзаларида иссиқлик алмашилишни жадаллаш, турбулизаторларни жойлаштириш қадамни оптималлаш, бу иссиқлик беришни максимал даражада оширишни таъминлайди ва юқори қувватли колоннади қурилмаларни ҳисоблаш усулини яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, абсорбцион колоннанинг иссиқлик қувватини ошишига ва металл сарфини камайтиришга олиб келадиган, оқимларни интенсив аралашини таъминлаш ва трубалар атрофидаги ҳаракатни яхшилаш, абсорберларнинг совитиш зонасидаги труба-панжарали насадкада трубаларни жойлаштириш усулини такомиллаштириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Абсорбер совитиш зонасида реакция иссиқлигини ажратиб олиш жараёнида иссиқлик алмашилишни жадаллаштириш асосида:

юқори самарадор абсорбцион колоннанинг ярим саноат намунаси «Аммофос-Максам» АЖда амалиётга жорий қилинган («Узкимёсаноат» АЖнинг 2019 йил 2 декабрдаги 02-7419 сон маълумотномаси). Натижада труба-панжара насадкади юқори самарадор абсорбер конвектив иссиқлик алмашилишни икки мартабага оширган ва мос равишда иссиқлик алмашилиш юзасини камайтириш имконини берган;

кўндаланг кесими камайиб боровчи текис ва спиралсимон турбулизаторли трубаларни жойлаштириш схемасига эга бўлган абсорбер «Аммофос-Максам» АЖда амалиётга жорий қилинган («Узкимёсаноат» АЖнинг 2019 йил 2 декабрдаги 02-7419 сон маълумотномаси). Натижада совитиш зонасининг металл сарфини икки баробаргача камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация материаллари 7 та халқаро ва 4 та республика илмий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар, шу жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 7 та мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, 141 номдан иборат адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация 120 варақли ёзилган матнда тақдим этилган, 53 та расм ва 5 жадвалдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда ишнинг аҳамияти ва долзарблигини, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини, объект ва мавзунини тавсифлайди, тадқиқотнинг мамлакатимизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослигини кўрсатади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини белгилайди, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиқ беради, олинган натижаларни амалиётга татбиқ этади, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Колонналик қурилмаларнинг труба-панжарали насадкаларида иссиқлик алмашилишни жадаллаштиришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш»** номли биринчи бобда муаммонинг ҳозирги ҳолати ва кальцинацияланган сода ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболлари, асосий жараён ва қурилмаларни таҳлил қилиш, совитиш зоналари бўлган абсорберлар, шунингдек абсорберда борадиган жараёнларни жадаллаштириш усуллари келтирилган. Абсорбция, дистиллаш, карбонизация ва филтрлаш (АДКФ) цехининг қурилма ва жараёнлари, жараён механизми ва иссиқлик алмашилишни жадаллаштириш учун қурилмалар конструкцияси бўйича илмий адабиётлар батафсил кўриб чиқилган.


Мамлакат иқтисодиётининг кимё ва нефть-газни қайта ишлаш соҳаларида энг кўп қўлланиладиган абсорбция колонналарининг ҳозирги ҳолатини баҳолаб, кимёвий жараёнлар содир бўладиган юқори иссиқлик қувватли абсорберларни яратишни талаб қиладиган муаммолар мавжуд деган хулосага келинди. Бўлимнинг мавжуд материаллари асосида тегишли хулосалар чиқарилди ва тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланди.

Диссертациянинг **«Тажриба қурилмалари, тажриба ўтказиш усуллари ва конвектив иссиқлик алмашилиш бўйича маълумотларга ишлов бериш»** номли иккинчи бобда бир фазали суюқликдан деворга ва газ-суюқлик тизимидан деворга иссиқлик бериш жараёнини тадқиқ қилиш учун тажриба қурилмасининг тавсифи келтирилган. Яратилган қурилма иссиқ ва совуқ элтич тезлиги ва температураси, шунингдек спиралсимон турбулизаторларнинг геометрик ўлчамларини кенг диапазонда ўзгаришида тажриба тадқиқотларини ўтказиш имконини беради. Суюқликларнинг каналларда ҳаракатланишида ва газ-суюқлик оқимининг трубалараро бўшлиқдаги ҳаракатида иссиқлик бериш ва гидравлик қаршилик бўйича тажрибаларни ўтказиш методи, самарадор юзали трубаларда иссиқлик алмашилишни жадаллаштириш бўйича тажриба маълумотларини бирламчи қайта ишлаш методикаси яратилди. Бундан ташқари, ўлчов параметрларини ўлчаш хатоликларини ва турли кўрсаткичларни ҳисоблаш натижалари келтирилган. Бўлим хулосалар билан яқунланади.

Диссертациянинг **«Спиралсимон турбулизаторли каналларда иссиқлик алмашилиш ва гидравлик қаршилик»** номли учинчи бобда

силлик ва спиралсимон турбулизаторли каналларда бир фазали совуқлик элткич ҳаракатланганда гидравлик қаршилик ва иссиқлик беришни жадаллаштириш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Ташқи томондан спиралсимон ариқча ва ичкарасида силлик турбулизаторлар энг самарали иссиқлик алмашиниш трубалари ҳисобланади. Тажрибалар давомида намоқобни  $60-65^{\circ}\text{C}$  дан  $28^{\circ}\text{C}$  гача совутилди. Совитувчи элткич сифатида  $15-25^{\circ}\text{C}$  температурали сув ишлатилди. Тадқиқотлар текис ва нисбий қадами  $h/S=0,017-0,095$  бўлган спиралсимон турбулизаторли трубаларда амалга оширилди. Совитувчи сув тезлиги  $Re=(0,95-6)\cdot 10^4$  диапазонда ўзгарди.



1-расм. Ўтиш режимида гидравлик қаршилик коэффиценти  $\xi$  (а) ва иссиқлик алмашиниш жадаллигининг  $Nu$  (б) Рейнольдс  $Re$  сонига боғлиқлиги.

● - текис труба; спиралсимон турбулизаторлар: ◆ -  $h/S=0.08$ ;  
■ -  $h/S=0.04$ ; △ -  $h/S=0.027$ ; ◇ -  $h/S=0.021$ ; □ -  $h/S=0.0091$ .

1-расмдан кўришиб турибдики, силлик ариқчали спиралсимон трубанинг гидравлик қаршилик коэффиценти  $\xi$  нинг сон қиймати силлик трубаникига қараганда катта.

$Re=15000$  да текис трубалар ва спиралсимон турбулизаторли трубаларда тажриба натижаларини таққослаш шуни кўрсатдики, агар текис труба учун  $\xi=0,0285$  бўлса, нисбий қадами  $h/S=0,017$  бўлган спиралсимон турбулизаторли трубалар учун  $\xi = 0,0326$  қийматга эга,  $h/S=0,023$  трубалар учун  $\xi=0,037$ ,  $h/S=0,034$  трубалар  $\xi=0,041$  ва ниҳоят,  $h/S=0,095$  ли трубалар учун мос равишда  $\xi=0,077$ , яъни гидравлик қаршилик коэффиценти 1,15-2,7 мартаба кўпайди. Дискрет жойлашган диафрагмали трубаларнинг гидравлик қаршилик коэффиценти  $\xi$  нинг қиймати текис трубага нисбатан анча юқори қийматга эга.

Сувнинг спиралсимон турбулизаторли трубаларда харакатида гидравлик қаршилик бўйича тажриба натижаларини умумлаштирилиб қуйидаги боғлиқлик формуласи олинди:


$$\xi = \frac{0,3161 \cdot \left[ 1 + 8,5 \cdot \left( \frac{h}{S} \right) + 83 \cdot \left( \frac{h}{S} \right)^2 \right]}{\sqrt[4]{Re}} \quad (1)$$

1-формулада  $Re=(0,25-6) \cdot 10^4$  ва  $h/S=0,0091-0,08$  оралиғида қўллаш мумкин. Формуланинг хатолиги  $\pm 9,4\%$  дан ошмайди.

Текис чизилган турбулизаторлар жойлашиш қадамининг иссиқлик бериш коэффициентига таъсири бўйича тадқиқотлар натижалари 2-расмда келтирилган.

Кўриниб турибдики, Рейнольдс сони ортиши билан иссиқлик алмашиниш жадаллиги ҳамма трубаларда, текис ва турбулизаторли трубаларда ҳам ортади. Спиралсимон траектория бўйича ҳосил қилинган турбулизаторлар оқимни кучли турбулизацияга ва 2.9 маротабага жадаллаштиришга олиб келади.

$\alpha=f(S/d)$  функциясининг эгри чизиғи мураккаб шаклга эга (2-расм). Масалан,  $Re=2500$  да  $S/d=1,4-1,55$  қийматгача иссиқлик бериш коэффициенти аста-секин кўпаяди ва максимал қийматга  $\alpha=1048$  Вт/(м<sup>2</sup>·К) етади ва кейин  $S/d=1,7$  дан бошлаб, иссиқлик бериш коэффициентининг қиймати  $\alpha=350$  Вт/(м<sup>2</sup>·К) гача камаяди, бунда жойлашиш қадами  $S/d=9-9,5$  ни ташкил қилади.



2-расм. Сувни харакатида спиралсимон турбулизаторларнинг жойлаштириш қадамларининг иссиқлик бериш жадаллигига таъсири  
 ○,● -  $Re=2500$ ; □,■ -  $Re=4200$ ; △,▲ -  $Re=6000$ ; ◇,◆ -  $Re=7500$ ;  
 \*,× -  $Re=9800$ . (оч рангли белгилар силлиқ трубалар, бўялганлари спиралсимон арикчали трубалар).

Турбулизаторларни жойлаштириш қадамнинг янада ўсиши билан, яъни  $S/d > 10$  - пасайиш секинлашади ва ниҳоят,  $S/d = 20$  да жойлаштириш қадамнинг таъсири йўқолади ва силлиқ каналлардаги суюқлик харакатига тўғри келади. Труба ичкарасидаги спиралсимон турбулизаторлар ва ташқи томондан силлиқ ариқчалар деворолди қатламини турбулизациялайди, аммо бунда гидравлик қаршилик ортади ва бир вақтнинг ўзида икки томондан иссиқлик беришни жадаллаштиради. Гидравлик қаршилик ўсишига нисбатан иссиқлик алмашиниш жадаллигининг ортиши кўп бўлиши тадқиқотлар орқали аниқланган.

Критик нуқтадан пастга қараб узоқлашганда ўлчов бўйича чегара қатламининг қалинлиги ўсади, ва унинг иссиқлик қаршилиги ҳам ўсади ва натижада иссиқлик бериш камаяди. Ажралиш соҳасида анча мураккаб ва охиригача чуқур ўрганилмаган ходиса содир бўлади. Бу ерда қуйидаги даврий жараён амалга ошади: чегара қатламининг қалинлашиши, унинг ажралиши ва оқим бўйича ажралиб чиқаётган суюқлик массасининг пастга йўналиши кузатилади. Ушбу даврий жараён узлуксиз қайтарилади. Вақт бирлиги ичида ушбу жараёнлар қанча кўп қайтарилса, иссиқлик бериш жадаллиги ҳам шунча кўп бўлади, яъни оқим ажралиш вақтида қатламнинг иссиқлик қаршилиги ушбу жойда сезиларли даражада камаяди.

Самарадор юзали трубаларда оқим ядросидан деворга йўналган йирик масштабни тебранишлар иссиқлик бериш жараёнини жадаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бунда оқим ядросидан деворга томон ва девордан ядрога томон иссиқлик элткичларнинг макроскопик ҳажмларининг ўтиши содир бўлади, ва девордан оқим ядросига бўлган оқим ва оқимчалар сони ортади ва оқибатда турбулентлик содир бўлади.

Маълумки, суюқлик оқимини ҳар қандай қўшимча турбулизациялаш қўшимча энергия сарфи билан боғлиқ бўлиб, иссиқлик тарқалишини жадаллаштириш самарадор усулини яратишдаги асосий ечим оқимга таъсир қилиш жойини танлаш ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, силлиқ ариқчалар кўринишидаги турбулизаторлар каналда девор қатламидаги суюқликни қўшимча турбулизациялайди. Бу турдаги турбулизаторларда гидравлик қаршилик ортишига қараганда иссиқлик алмашиниш жадаллиги кўпроқ ортишини таъминлайди. Шунинг учун девор атрофидаги ҳар қандай уюрма каналларда иссиқлик беришни жадаллаштиради.

Ўтказилган тажрибалар ва ишнинг назарий таҳлиллари шуни кўрсатадики, суюқликларни ўтиш режимида иссиқлик ўтказиш жараёнини ташкил этиш энг самарали ҳисобланади.

Спиралсимон турбулизаторли трубаларда иссиқлик бериш бўйича тажриба натижаларини умумлаштириш натижасида, критериал формула келтириб чиқарилди:

$$\frac{Nu}{Nu_{ст}} = \left\{ 1 + 750,1 \left[ \frac{h}{S} \left( 1 - \frac{2h}{d_1} \right) \right] - 5538 \cdot \left[ \frac{h}{S} \left( 1 - \frac{2h}{d_1} \right) \right]^2 \right\} \cdot Re^{-m \left( \frac{h}{S^*} \right)^n} \quad (2)$$

Юқорида келтирилган (2) формула  $Re=(0,25-6) \cdot 10^4$  ва  $h/S=0,0091-0,08$  оралиғида қўллаш мумкин. Формуланинг хатолиги  $\pm 10,2\%$  дан ошмайди.

Диссертациянинг «Спирал ариқчали труба-панжарали насадкалар трубалараро бўшлиғида иссиқлик алмашилини жадаллаш» номли тўртинчи бобида труба-панжарали насадкаларнинг трубалараро бўшлиғида суюқлик-газ аралашмаси ҳаракатланганда гидравлик қаршилик ва иссиқлик бериш бўйича тажриба маълумотлари келтирилган.

Гидравлик қаршилик бўйича натижаларнинг  $Eu=f(Re)$  функцияси кўринишидаги графикдан шуни кўрсатдики, оқим тезлигининг ортиши билан Эйлер критерийси  $Eu$  қийматининг пасайиши кузатилди. Тажриба маълумотларини таққослаш шуни кўрсатдики, оқим тезлиги ўсиши билан силлиқ спиралсимон ариқчали трубаларнинг гидравлик қаршилиги текис трубаникига қараганда 1,1-1,9 мартаба ортди.


Гидравлик қаршилик бўйича тажриба натижаларини умумлаштириб, ушбу кўринишдаги ҳисоблаш формуласи келтириб чиқарилди:

$$Eu = 56,4 \cdot Re^{-0,25} \cdot \left(\frac{h}{S}\right)^{0,22}, \quad (3)$$

бу ерда  $Eu=Eu^*/m$ , ушбу нисбатдаги  $m$  - қаторлар сони.

Юқорида келтирилган (3) формула Рейнольдс сони  $Re=2300-10000$ , спиралсимон ариқчаларнинг жойлашиш қадами  $h/S=0,0091-0,08$  бўлганда қўллаш мумкин. Формула хатолиги  $\pm 3,0\%$  дан ошмайди.

Трубалараро бўшлиқда газ-суюқлик оқимини совитиш жараёнида иссиқлик алмашилини интенсивлаш бўйича тадқиқот натижалари  $Nu=f(Re)$  функцияси кўринишида 3-расмда келтирилган.



3-расм. Труба панжарали насадка трубалараро бўшлиғида намоқобни совитишда иссиқлик алмашилини интенсивлиги  $Nu$  нинг  $Re$  сонига боғлиқлиги.  $S/D=0,25$ .  $\blacklozenge$  -  $h/S=0,095$ ;  $\blacktriangle$  -  $h/S=0,029$ ;  $\blacklozenge$  -  $h/S=0,003$ .

Ҳар хил кўндаланг кесимли текис ва турбулизаторли трубалардан ташкил топган трубалар пакетини суюқлик-газ оқими кўндаланг ҳаракатланишида иссиқлик тарқалишни жадаллаштириш механизми тартиб билан жойлаштирилган макроғадир-будурликлар билан белгила-нади. Спиралсимон турбулизи-торли трубаларнинг ташқи юзаси силлиқ ариқчалар ва ички юзаси бўртиқлик (турбулизатор) лар мавжудлиги девор яқинида оқим таркибини яхшилайти, яъни самарали труба ташқи юзасида макро-ғадир-будурлик элементлари девор олди қатламининг бузилишига, ички юзасида силлиқ бўртиқликлардан ўтиш даврида оқимнинг узилишида ҳосил бўладиган уюрмалар девор олди юпка қатламини турбулизация бўлишига сабаб-чи бўлади. Уюрмалар нафақат девордан оқим ядросига, балки марказдан девор томонга ҳам ҳаракатланади.

Расмдан кўришиб турибдики, оқим ҳаракат тезлиги ортиши билан барча тадқиқ қилинган турбулизаторли трубаларда иссиқлик алмашиниш жадаллиги ортади. Масалан, Рейнольдс сони  $Re=4200$  да текис труба учун Нуссельт критерийсининг қиймати  $Nu=148$ , спиралсимон ариқчали  $h/S=0,003$  учун  $Nu=220$ ,  $h/S=0,029$  учун Нуссельт критерийси  $Nu=243$  ва  $h/S=0,095$  учун -  $Nu=272$ . Тажриба натижаларини таҳлили шуни кўрсатдики, силлиқ ариқчаларнинг чуқурлиги ортиши билан иссиқлик бериш коэффиценти 1,5 дан 1,85 мартабагача кўпаяди.

Трубалараро бўшлиқда қовушқоқ суюқликни ҳаракати даврида иссиқлик алмашинишни жадаллаштириш бўйича тажриба натижаларини умумлаштириб, қуйидаги критериал формула келтириб чиқарилди:

$$Nu = 0,597 \cdot Re^{0,6} \cdot Pr^{0,36} \cdot \left(\frac{Pr}{Pr_0}\right)^{0,25} \cdot \left(\frac{S}{D}\right)^{-0,15} \cdot \left(\frac{h}{S}\right)^{0,3} \quad (4)$$

Ушбу формула Рейнольдс сони  $Re=(0,23-0,98) \cdot 10^4$ , ўлчамсиз параметрлар  $S/D=0,21-2,0$  ва  $h/S=0,017-0,095$  бўлганда қўллаш мумкин. Формуланинг хатолиги  $\pm 7,3\%$  дан ошмайди.

Иссиқлик алмашиниш жараёни самарадорлигини аниқлашнинг усулларида бири нисбий иссиқлик алмашинишни ва гидравлик қаршиликларни солиштириш мақсадга мувофиқ:

$$\frac{Nu}{Nu_0} \geq \frac{\xi}{\xi_0} \quad (5)$$

Тажриба тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ушбу йўл билан оқимни турбулизация қилиш абсорбцион колоннада гидравлик қаршиликка нисбатан иссиқлик алмашинишнинг интенсивлиги кўпроқ бўлиши формула (5) даги тенглик бузилади ва бу ҳодиса иссиқлик алмашиниш жадаллашининг ушбу усули энергия самарадор эканлигини исботлайди.


Таъкидлаш лозимки, кўндаланг кесими камаювчи спиралсимон турбулизаторли ва текис трубалардан иборат труба панжарали насадкалар қовушқоқ суюқликлар уюрмаси ва оқимини узлуксиз равишда ҳосил қилади, бу эса трубалараро бўшлиқда суюқлик оқимини турбулизациялайди. Ушбу

тартибланган ва ташкиллаштирилган уюрмавий оқимлар кўшимча турбулентлик ҳосил қилиш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари таклиф қилинаётган трубаларни жойлаштириш схемасида ҳосил бўлаётган уюрма ва оқимлар труба юзасида чўкиндилар ўтириб қолиш олдини олади. Оқимни турбулизация қилиш нафақат иссиқлик алмашинишни интенсивлашга балки, масса алмашиниш жараёнини сезиларли даражада яхшилашга олиб келади.

Диссертациянинг «Иш натижаларидан амалий фойдаланиш» номли бешинчи бобида иссиқлик ўтказиш коэффициенти, керакли иссиқлик алмашиниш юзаси бўйича колоннали қурилмаларни оптималлаш, ҳисоблашнинг муҳандислик услуби ва юқори қувватли абсорбцион колоннасининг конструкцияси, шунингдек қурилманинг ўлчамлари ва металл сарфини камайтириш бўйича тажриба маълумотлари келтирилган.

Иссиқлик ўтказиш коэффициенти  $K$  бўйича натижалар  $K=f(Re)$  функцияси кўринишида 4-расмда келтирилган. Графикдан кўришиб турибдики, спиралсимон ариқчалар қадами  $h/S=0,08$  ва Рейнольдс сони  $Re=2500$  бўлганда, иссиқлик ўтказиш коэффициенти  $K=574$ ,  $Re=4900$  да  $K=848$  ва  $Re=9800$  да  $K=1244$   $Вт/м^2 \cdot К$ .



4-расм. Спиралсимон ариқчали трубаларда сувнинг ҳаракатида аммонийлашган намоқобни совитишда  $Re$  сонининг иссиқлик ўтказиш коэффициентиға таъсири.

- $h/S=0.08$ ; ■- $h/S=0.04$ ; ▲- $h/S=0.027$ ;
- ◆- $h/S = 0.021$ ; ○- $h/S=0.0091$ .

Тажриба натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, оқим ҳаракат тезлиги ўсиши билан  $K$  коэффициентининг қиймати мос равишда 2 мартаба ортади. Труба ташқи юзасидаги ариқчалар чуқурлигининг иссиқлик ўтказиш коэффициенти таъсирини қуйидаги мисолда кўриш мумкин. Масалан, жойлаштириш қадами  $S=\text{const}$  ўзгармас бўлганда, ариқчалар чуқурлигининг камайиши  $h/S$  нисбат пасайишига олиб келади. Табиийки,  $h/S$  камайиши иссиқлик тарқалишига, яъни иссиқлик ўтказиш коэффициенти  $K$  га сезиларли даражада таъсир қилади. Масалан,  $h/S=0,027$  ва Рейнолдс сони  $Re=2500$  учун иссиқлик ўтказиш коэффициенти қиймати  $K=501$ ,  $Re=4900$  учун  $K=752$  ва  $Re=9800$  учун  $K=1127 \text{ Вт/м}^2\cdot\text{К}$ .

Силлиқ ариқчаларнинг минимал чуқурлиги  $h/S=0,0091$  да иссиқлик ўтказиш коэффициенти энг паст кўрсаткичга эга. Масалан,  $h/S=0,0091$  ва Рейнолдс сони  $Re=2500$  бўлса, иссиқлик ўтказиш коэффициенти  $K=334$ ,  $Re=4900$  да  $K=520$ ,  $Re=9800$  да эса  $K=797 \text{ Вт/м}^2\cdot\text{К}$  бўлади.

Иссиқлик тарқалиш жараёнининг  $h/S$  параметрига боғлиқлик таҳлили шуни кўрсатадики, спиралсимон ариқчаларнинг ўзгармас қадамида уларнинг чуқурлиги иссиқлик ўтказиш жараёни учун муҳим аҳамиятга эга. Ариқчалар чуқурлиги уларнинг жойлашиш қадами  $S=\text{const}$  ўзгармас бўлганда, унинг  $h/S=0,0091$  дан  $h/S=0,08$  гача ўсиши иссиқлик ўтказиш коэффициенти  $K$  ни 1,5-1,7 мартаба ортишига олиб келади. Суюқлик оқимининг турбулентлиги муҳим параметр ҳисобланиб, иссиқлик тарқалиш жадаллигига салмоқли таъсир қилади. Каналларда иссиқлик тарқалишни жадаллаштириш ҳар доим суюқлик оқимига қўшимча импульс берадиган мосламалар ёрдамида амалга оширилади. Бундай иссиқлик алмашилиш труба конструкцияларида оқимнинг турбулентлик даражаси турбулизаторларнинг геометрик параметрларининг функциясидир.

Бирок, ҳар қандай ҳолатда, трубада турбулизаторларни қўллаш қўшимча энергия харажатлари билан боғлиқ, яъни, труба ташқи юзасида силлиқ спиралсимон ариқчалар кўринишидаги маҳаллий қаршилиқ, ички юзасида турбулизаторлар каналда иссиқлик элткич оқими учун илгарилама ва айланма ҳаракат беришни таъминлайди. Табиийки, турбулизация қилиш мосламаси оқим ҳаракати учун қулай бўлиши керак, яъни имкон даражасида оқимнинг ҳаракат йўналишига мос ёки кичик бурчак остида ва гидравлик қаршилиги жуда кичик бўлиши керак. Ушбу нуқтаи назардан, спиралнакаткали турбулизаторлар энг оптималдир, чунки турбулизаторлар маълум бурчак остида жойлашишидан ташқари, уларга силлиқ шакл бериб ясалган. Ушбу конструкцияли трубалар кўп афзалликларга эга ва гидравлик қаршилиги нисбатан кичикдир.


Ўзгарувчан кўндаланг кесимли спиралсимон турбулизаторли трубалар ва текис трубалардан иборат труба-панжарали насадкаларда иссиқлик ўтказиш  $K/K_{\text{гл}}$  ва иссиқлик алмашилиш юзаси  $F/F_{\text{гл}}$  бўйича тажриба натижалари 5-расмда келтирилган.

Аниқловчи параметрлар сифатида оқим ҳаракат тезлиги  $Re=2300-9800$  бўлганда  $S/d$ ,  $h/S$ , самарадорликни баҳолаш эса  $F/F_{\text{гл}}$  ва  $K/K_{\text{гл}}$  орқали амалга

оширилди. Тажриба маълумотларини инобатга олган ҳолда ҳисоблашлар ўзгармас, бир хил иссиқлик юкламаси ва труба каналлари орқали иссиқлик элткични ҳайдаш учун қувватларда ўтказилди. Бир хил иссиқлик юкламаси ва халқали ариқчаларнинг нисбий чуқурлиги  $h/S$  да  $K/K_{гл}$  нисбатининг максимал ва  $F/F_{гл}$  нисбатининг минимал юзаси  $S/d=1,0-1,4$  оралиғига тўғри келади. Намоқобни совитишда труба ички юзасида силлиқ турбулизатор ва ташқи юзасида силлиқ спиралсимон ариқчали юқори самарадор трубаларнинг оптимал параметрлари  $h/S=0,0091-0,08$  ва  $S/d=1,0-1,4$ .

Олинган натижалар асосида абсорберни ҳисоблаш учун ўтказилган изланишларда келтириб чиқарилган асосий критериял формулалар эътиборга асосида муҳандислик услуби, ҳамда самарадор совитиш зонали юқори иссиқлик қувватли колонна қурилманинг технологик, гидравлик, механик ва конструктив ҳисоблари ишлаб чиқилди.

Юқори иссиқлик қувватли самарадор труба-панжара насадкали абсорбцион колонна конструкцияси яратилди.




5-расм. Самарали труба-панжара насадкали абсорбер колоннасини оптималлаштириш.

- -  $Re = 2320$ ; + -  $Re = 3000$ ;  $\Delta$  -  $Re = 3700$ ;  $\square$  -  $Re = 4800$ .  
 $\times$  -  $Re = 5500$ ;  $\diamond$  -  $Re = 7100$ ; \* -  $Re = 8500$ ;  $\bullet$  -  $Re = 9800$ .

Абсорбцион колоннанинг афзаллик ва камчиликлари: труба ташқи юзасида ҳаракатланаётган оқимнинг турбулизациясида; труба ичида суюқлик оқимнинг илгарилама-спиралсимон ҳаракатланишида; термик қаршилик ва қовушқоқ, ламинар юпқа қатлам қалинлигини салмоқли камайишида. Ундан ташқари, спиралсимон турбулизаторли иссиқлик алмашиниш трубаларини юқорида қайд этилган схема бўйича труба панжарали насадкаларда жойлаш нисбатан паст гидравлик қаршиликда юқори самарадорликка эга; газ фазаси бўйича ҳажмий сарфи катта; қурилма конструкцияси ва совитиш зонасининг

эксплуатация содда; юқори қовушқоқли суюқликлар билан ишлаш мумкин; труба юзасида чўкинди ва ифлосликлар ҳосил бўлмайди.

Саноат абсорберининг битта совитиш зонаси учун иссиқлик алмашилиш юзаси  $F$  нинг ўлчамсиз коэффицент  $K/K_{гг}$  га боғлиқлиги ба-расмда кўрсатилган. Солиштириш учун ҳар бир ўтказилган тажрибалардан энг самарали турбулизаторлар танлаб олинган. Ушбу натижаларни солиштириб макроғадир-будирликни ҳосил қилиш йўли орқали иссиқлик алмашилишни интенсивлаш усули зарур иссиқлик алмашилиш юзасини 1,7-2,5 маротаба камайтириш имконини беради.



6-расм. Ўлчамсиз иссиқлик ўтказиш коэффиенти  $K/K_{гг}$  нинг труба-панжарали насадканинг иссиқлик алмашилиш юзаси (а) ва металл сарфига (б) таъсири.

Шуни таъкидлаш лозимки, энг яхши натижаларга турбулизаторлар силлик, суюқлик ҳаракати учун қулай ва гидравлик қаршилиги кам бўлганда эришилади. Табиийки, иссиқлик алмашилиш юзасининг камайиши, унга пропорционал равишда труба панжарасида иссиқлик алмашилиш трубалар сонининг камайишига ва қурилмани яшашга металл сарфи камаяди. Ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, қурилма диаметри ортиши билан керакли трубалар сони камаяди. Трубалар сонининг камайиши совитиш зонасини тайёрлаш учун металл сарфи пропорционал равишда 2 ёки ундан кўп маротаба камайишига олиб келади (6б-расм).

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, таклиф қилинаётган труба панжарали насадка конструкцияси белгиланган иссиқлик юкламасида абсорбер совитиш зоналарининг диаметри ва баландликлари ўзгармас бўлганда минимал масса, қулай компоновка ва энг муҳими кичик гидравлик қаршиликка эга.

Ундан ташқари, қурилмага метал сарфи камаяди, абсорцион колоннани яшаш технологияси ўзгармайди, конструкциянинг соддалиги унинг ишончилигини ва эксплуатацияда қулайлигини таъминлайди.

## ХУЛОСА

1. Ташқи юзасида спиралсимон ариқчалар ва мос равишда ички юзасида бўртиқ турбулизаторлар бўлган трубаларни қўллаш уюрмаларни ҳосил қилади, бу эса оқимни турбулизациялаб, труба ичи ва трубалараро бўшлиқда иссиқлик алмашилишни жадаллаштиради ва иссиқлик алмашилишнинг ўсиши гидравлик қаршилиқни ортиб кетишини таъминлайди.

2. Суюқликни спиралсимон-накаткали труба ичида ва газ-суюқлик оқими трубалараро бўшлиқда ҳаракатланганида, унинг гидравлик қаршилиғи турли геометрик параметрлар, тезлик ва суюқлик температураларида аниқланди. Тажриба натижаларини умумлаштириб, гидравлик қаршилиқни ҳисоблаш учун хатолиғи  $\pm 9,4\%$  ва  $\pm 3,0\%$  ли критериал формулалар келтириб чиқарилди.

3. Суюқлик оқими труба ичида ва қовушқоқ суюқлик ташқи юзасини ювиб ҳаракатланганида иссиқлик алмашилиш жараёни жадаллашиши тажрибалар ёрдамида аниқланди ва у иссиқлик ўтказиш коэффицентини 2 ва ундан ортиқ маротаба ўсишига олиб келди.

4. Суюқлик ва газ фазаларини яхши контакти учун турли кўндаланг кесимли самарадор иссиқлик алмашилиш юзали труба ва текис трубаларни тешикли панжарада жойлаштириш схемаси ламинар қовушқоқ юпка қатлам қалинлигини камайтиришни таъминлайди, бу эса иссиқлик алмашилиш ва аралаштириш жараёнларини жадаллаштиради.

5. Трубалар ташқи юзасидаги силлиқ ариқчалар конструкцияси микроюрмалар ҳосил қилади, бу эса ўз-ўзини тозалаш эффектини келтириб чиқаради ва натрий бикарбонат тузларини иссиқлик алмашилиш юзасида ўтириб қолиш олдини олади, труба панжарали совитиш зоналарини тозалаш ва таъмирлаш ишларига сарф-харажатларини бартараф қилади.

6. Иссиқлик алмашилишни жадаллаштириш иссиқлик алмашилиш юзаси ёки трубалар сонини камайтириш имконини беради, ҳамда қурилманинг бутун хизмат қилиш муддатида турғун ишлаши ва эксплуатацион характеристикалари ўзгармаслигида уни тайёрлашга метал сарфи тахминан 2 маротабага тежалади.

7. Кенг қамровли ва кўп сонли тажриба изланишлари макро ғадир-будурликларни қилишнинг оптимал соҳасини аниқланди ва у зарур иссиқлик алмашилиш юзаси 20 дан 46% гача кам бўлганда ҳам максимал иссиқлик ўтказишни таъминлайди.

8. Тажриба маълумотлари ва ишда олинган критериал формулаларга асосланиб яратилган муҳандислик услуби асосида юқори иссиқлик қувватига эга труба-панжара насадкали саноат абсорберининг мукамал ҳисоби амалга оширилди.

9. Ярим саноат абсорбцион колонна конструкцияси ишлаб чиқилган ва "Аммофос-Максам" АЖ қурилманинг тажриба намунаси тайёрланган. Колоннали қурилмаларда янги конструкцияли труба-панжарали насадкаларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиғи 746 млн. сўм/қурилма.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.27.06.2017.Т.03.02  
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**МАВЛАНОВ ЭЛБЕК ТУЛКИНОВИЧ**

**ИНТЕНСИФИКАЦИЯ ТЕПЛООБМЕННЫХ ПРОЦЕССОВ И  
РАЗРАБОТКА КОЛОННЫХ АППАРАТОВ ПОВЫШЕННОЙ  
МОЩНОСТИ**

**02.00.16 – Процессы и аппараты химической  
технологий и пищевых производств  
(технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.3.PhD/Т339.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:** **Нурмухамедов Хабибулла Сагдуллаевич**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Мухитдинов Джалолиддин Пахриддинович**  
доктор технических наук, профессор  
**Худойбердиева Назора Шарофовна**  
доктор философии (PhD) по техническим наукам

**Ведущая организация:** **АО «Аммофос-Максам»**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Т.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете по адресу: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета за №\_\_\_, с которой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(протокол рассылки №\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Н.Р.Юсупбеков**

Председатель научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
академик, д.т.н., профессор

**У.Ф.Мамиров**

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
доктор философии (PhD) по техническим наукам

**Х.З.Игамбердиев**

Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению учёных степеней,  
академик, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)).**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире важным фактором в развитии современной химической и нефтехимической промышленности в различных отраслях производства является разработка конкурентоспособных, импортозамещающих, отвечающих мировым требованиям технологий, реализация которых осуществляется посредством внедрения глубоких фундаментальных исследований в создании химического оборудования и аппаратов с усовершенствованными эффективными конструкциями, решая ряд научно-технических задач в этом направлении. В связи с этим, повышение энергетической и экономической эффективности теплообменных процессов является актуальной.

В мире на исследования в направлении интенсификации и модернизации процессов тепло- и массообмена, являющихся фундаментальными и практическими основами развития современного химического машиностроения обращено особое внимание. Для интенсификации химико-технологических процессов в широком спектре химической промышленности одной из научно-практических проблем считается применение эффективных теплообменных аппаратов для получения низких температур. Данное направление, в частности, интенсификация и модернизация теплообменных процессов, а также проектирование компактных конструкций аппаратов диктует разработки энерго- и ресурсосберегающих технологий.

У нас в республике проводятся исследования и мероприятия по улучшению тепловой и энергетической эффективности, компактности, надежности и других параметров вновь создаваемых новых аппаратов, а также целевому использованию развитых, эффективных теплообменных поверхностей. Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы включает в себя следующие задачи: «... укрепление макроэкономической стабильности и поддержание высоких темпов экономического роста, повышение конкурентоспособности национальной экономики ... сокращение потребления энергии и ресурсов в экономике, широкое внедрение энергосберегающих технологий»<sup>1</sup>. Для реализации выше поставленных задач, а именно, интенсификация теплообменных процессов и разработка колонных аппаратов повышенной мощности считается одной из основных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента РУз УП-№4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан», Постановлениями Президента РУз Ш.М.Мирзиёева ПП-№4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

химической промышленности» и ПП-№3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также другими нормативно-правовыми документами в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VII. «Химическая технология и нанотехнология».

**Степень изученности проблемы.** Учеными всего мира проведены многочисленные научные исследования в области интенсификации теплообменных процессов. Научными исследованиями, направленными на разработку эффективности технологии и аппаратурного оформления процессов интенсификации теплообмена и по созданию компактных, эффективных теплообменных аппаратов и устройств занимались следующие зарубежные ученые: Плановский А.Н., Соломаха Г.П., Рамм В.М., Кутателадзе С.С., Кошкин В.К., Петухов Б.С., Гухман А.А., Кошкин В.К., Калинин Э.К., Кикнадзе, Дрейцер Г.А., Дзюбенко Б.В., Ярхо С.А., Костюк В.В., Мигай В.К. и др., а также отечественные ученые, в частности, Мухитдинов Дж.П., Юсупбеков Н.Р., Захидов Р.А., Закиров С.Г., Гулямов Ш.М. и др.

В настоящее время проведены многочисленные научно-исследовательские работы по теоретическим основам переноса тепла, интенсификации теплообмена, а также по созданию компактных и энергосберегающих аппаратов и оборудований.

